

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6200-сон **Фармони** ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

5. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) тузилмаси **12-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган хорижий инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг (кейинги ўринларда — ХМИ ва ХХМТ) маблағлари иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳаларини ошқоралик асосида танлаш, уларнинг қисқа ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва шакллантириш;

сув хўжалиги соҳасидаги хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ХМИ ва ХХМТ маблағларини жалб қилиш;

ХМИ ва ХХМТ маблағлари иштирокидаги хорижий инвестиция лойиҳалари манзилли рўйхатлари белгиланган тартибда тасдиқланишини ташкил қилиш;

сув хўжалиги соҳасидаги хорижий, шу жумладан ХМИ ва ХХМТ маблағлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

сув хўжалиги соҳасидаги хорижий, шу жумладан ХМИ ва ХХМТ иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тендер савдолари асосида бош пудрат ташкилотларини белгиланган тартибда аниқлаш ҳамда тегишли шартномаларни расмийлаштириш;

лойиҳалар ва сублойиҳалар амалга оширилишининг тизимли мониторингини олиб бориш, шунингдек, буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш.

6. Белгилансинки:

Марказ Жаҳон банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи, Осиё тараққиёт банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳлари лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Марказга Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда сув хўжалиги вазирининг тақдимномаси бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади;

Марказ директори мақоми, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Марказ фаолияти Давлат бюджети маблағлари, ХМИ ва ХХМТ маблағлари, Марказ буюртмачи бўлган лойиҳалар доирасида амалга ошириладиган қурилиш ишларидан ажратмалар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади;

Марказга Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси, 1а-уй манзилидаги «А» блокнинг 2 ва 3-қаватлари текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади.

7. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) ва Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) тегишли халқаро молия институтлари билан келишилган ҳолда сув хўжалигида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида уч ой муддатда:

Агентликнинг объектларда техник назоратни амалга оширувчи мутахассислари меҳнат меъёрини белгилаш бўйича нормативлар тасдиқланишини;

Марказ томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг қарз (кредит) келишувлари муддатлари узайтирилишини;

Марказ ходимларининг ойлик иш ҳақи икки баробарга оширилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги Марказнинг буюртманомаларига мувофиқ уни белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқа воситалари билан ҳамда юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишини таъминласин.

9. Сув хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича «Йўл харитаси» 13-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

10. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) бир ой муддатда:

Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмаларини, шунингдек, Агентлик ва Марказни зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга, юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин;

Сув хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва улар раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг аниқ кўрсаткичлари ва мақсадли индикаторларга эришишга асосланган мутлақо янги тизимини жорий этиш, яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган соҳани стратегик ривожлантириш дастурларини амалга ошириш сифати ҳамда самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Сув хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги **НИЗОМНИ**;

Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги тўғрисидаги **НИЗОМНИ**;

Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази тўғрисидаги **НИЗОМНИ** тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4486-сон **қарорига 14-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари **15-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 апрель,
ПҚ-5055-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ-5055-сон **қарорига 12-ИЛОВА**

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш марказининг

ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг умумий штатлар сони — 20 бирлик.

* халқаро маслаҳатчи, лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари ходимлари, шу жумладан ҳудудий гуруҳлар ходимлари сони амалга оширилаётган лойиҳалар сонига кўра белгиланади ҳамда Марказ ходимлари ҳисобланади.

Лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ва техник-иқтисодий ҳисоб-китобларини ишлаб чиқиш учун мутахассислар, шу жумладан хорижий ва маҳаллий мутахассислар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.

Ишлаб чиқариш, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони конунчилик ҳужжатларига мувофиқ нормативлар бўйича белгиланади.

**Сув хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича
«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш				
1.	Сув хўжалиги соҳасидаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник регламентлар, стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар, жумладан сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва уларни босқичма-босқич такомиллаштириш.	Амалий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар босқичма-босқич	Сув хўжалиги вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ИСМИТИ*
2.	Сув омборларини сув билан тўлдириш ва сувни чиқариш режими тартибини ишлаб чиқиш.	Сув хўжалиги вазирлигининг буйруғи	2021 йил 1 май	Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ
3.	Сув ресурсларини диспетчерлик хизмати орқали бошқариш тартибини ишлаб чиқиш.	Сув хўжалиги вазирлигининг буйруғи	2021 йил 1 декабрь	Сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзгидромет» маркази, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, «Амударё» ва «Сирдарё» ҳавзалари сув хўжалиги бирлашмалари
4.	Гидропостлар паспортларининг намунавий шаклларини ва уларни аттестациядан ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш.	Сув хўжалиги вазирлигининг буйруғи	2021 йил 1 июнь	Сув хўжалиги вазирлиги, Инспекция, Давлат геология қўмитаси, «Ўзгидромет» маркази
5.	Янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган, шунингдек, аввалдан фойдаланиб	Чора-тадбирлар	2021 йил 1 май	Сув хўжалиги вазирлиги, Инспекция, Фавқулодда

	келинаётган сув хўжалиги объектлари хавфсизлик даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.			вазирлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ
6.	«Сувқурилишинвест» давлат унитар корхоналарини давлат муассасалари сифатида қайта ташкил этиш ва уларнинг низомларини тасдиқлаш.	Идоравий буйруқ	2021 йил 10 май	Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
II. Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш				
7.	Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш учун авария моддий-техника захираларини яратиш ва улардан фойдаланишнинг янгиланган тартибини, шу жумладан авария моддий-техника воситалари рўйхатини ишлаб чиқиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил 1 июнь	Сув хўжалиги вазирлиги, Инспекция, Фавқулодда вазирлар вазирлиги
8.	Йирик сув омборлари ва гидротехника иншоотларида авария ва фавқулодда вазиятлар ҳақида аҳолини огоҳлантиришнинг замонавий тизимини республика бюджети маблағлари ҳисобидан босқичма-босқич яратиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йилдан бошлаб жадвал бўйича	Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Амударё» ва «Сирдарё» ҳавзалари сув хўжалиги бирлашмалари, Фавқулодда вазирлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Инспекция
9.	Илмий тадқиқотлар натижалари асосида сув омборлари, сел-сув омборлари, бошқа йирик сув хўжалиги объектлари, дарёлар ва	Йўриқномалар	2021 — 2023 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги, Инспекция, ИСМИТИ*, ТИҚХММИМТУ**

	гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш, ишончлилигини ошириш ва уларни ишлатиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш.			
10.	Сув омборларида кўриқлаш ва кузатув тизимини танқидий ўрганиш ва уларни такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш. Бунда қуйидагилар назарда тутилади: кўриқлаш хизматининг назорат майдонларининг мавжудлиги; замонавий видеокузатув ва фавкулудда хабар бериш тизимининг мавжудлиги; кўриқлашнинг самарадорлиги; сув омборлари хавфсизлигининг тўлиқ таъминланганлиги; сув омборлари хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар.	Ташкилий чора- тадбирлар	2021 йил август	Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавкулудда вазирлар вазирлиги, Инспекция, Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ
11.	Сув омборлари таъсир ҳудудидаги аҳолини табiiй ва техноген фавкулудда вазиятларда эвакуация қилишда идоралараро хамкорликни йўлга қўйиш.	Идоралараро чора-тадбирлар	Ҳар йили февраль	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Фавкулудда вазирлар вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Инспекция, Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ
12.	Табиий ва техноген хусусиятли фавкулудда вазирларда сув омборлари,	Ташкилий чора- тадбирлар	Ҳар йили апрель	Сув хўжалиги вазирлиги, Фавкулудда вазирлар вазирлиги,

	гидроузеллар, насос станциялари ва бошқа йирик сув хўжалиги объектларида амалга ошириладиган тадбирлар юзасидан ўқув-тактик машғулотларни ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.			Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Инспекция, Энергетика вазирлиги, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ
13.	Республикадаги барча сув омборлари ва йирик гидротехник иншоотларни ҳар йили суғориш мавсуми тугаганидан сўнг (сув омборларида сув сатҳи пасайгандан сўнг), шунингдек, ёзги суғориш мавсумида Республика идоралараро ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқиш ва ҳар бир сув омбори ва гидротехника иншоотининг хавфсиз ишлаши юзасидан чора-тадбирларни белгилаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Ҳар йили май-июнь ва октябрь-ноябрь	Инспекция, Сув хўжалиги вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Энергетика вазирлиги, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, лойиҳа ташкилотлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари
III. Сув хўжалиги соҳасида сувни ва электр энергиясини тежаш технологияларини кенг жорий қилиш				
14.	Турли мелиоратив шароитларда томчилатиб суғориш тизимлари учун суғоришнинг автоматлаштирилган модулини яратиш ва синовдан ўтказиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	ИСМИТИ*, Сув хўжалиги вазирлиги
15.	Аму-Бухоро машина каналидан фойдаланиш, Қарши магистрал каналидан фойдаланиш ҳамда Жиззах бош насос станцияси бошқармаларига қарашли ва бошқа йирик 35 ва 110 кВт/соат кучланишли электр узатиш тармоқларига уланган насос станцияларига электр таъминоти бўйича	Ташкилий чора-тадбирлар	Ҳар йили шартномаларни расмийлаштириш жараёнида	«Худудий электр тармоқлари» АЖ, Сув хўжалиги вазирлиги

	киритиладиган чекловлар ва узилишларнинг олдини олиш юзасидан шартномавий мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш.			
16.	Мелиорация соҳасида хорижий мамлакатларнинг, шу жумладан Халқаро ирригация ва дренаж комиссиясининг илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг натижаларини амалиётга жорий қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
IV. Сув хўжалиги соҳасида рақамли технологияларни ривожлантириш				
17.	Сув омборлари, ирригация тизими каналлари ва насос станцияларида сув ва электр энергияси сарфини рақамли технологиялар асосида назорат қилиш тизимини жорий қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 — 2023 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси
18.	Суғориладиган ерларда ер ости сув сатҳи мониторингини рақамли технологиялар асосида юритиш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 — 2024 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги
19.	Сув хўжалигида қўлланиладиган рақамли технологияларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил 1 июнь	«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология кўмитаси, Савдо-саноат палатаси
20.	Геоахборот ва рақамли технологиялар асосида суғориладиган ерларнинг шўрланишини аниқлаш ҳамда уларнинг самарадорлигини	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил 1 октябрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

	<p>баҳолаш бўйича мониторинг тизимини такомиллаштириш.</p> <p>Сизот сувлари сатҳи, минераллашуви ва суғориладиган ерларнинг шўрланиш динамикаси устидан реал вақт режимида мониторинг олиб боришни таъминлайдиган автоматлаштирилган тизимлар жорий этиш.</p>			вазирлиги, ИСМИТИ*
21.	<p>Қашқадарё вилоятининг Миришкор-Қамаши каналида «Rubicon Water Pty. Ltd» корхонаси томонидан яратилган сув ресурсларидан фойдаланишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш.</p>	<p>Объектни ўрганиш; шартномани расмийлаштириш; лойиҳани амалга ошириш; объектни фойдаланишга киритиш</p>	<p>2021 йил апрель 2021 йил май 2021 йил сентябрь — ноябрь 2021 йил декабрь</p>	<p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, ИСМИТИ</p>
V. Сув хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш				
22.	<p>Ислом тараққиёт банки иштирокида «Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ-Оққопчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)», Осиё тараққиёт банки ва Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) агентлиги иштирокидаги «Аму-Бухоро ирригация тизимларини қайта тиклаш», Жаҳон банки иштирокида «Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш» лойиҳалари бўйича қарз ва кредит келишувлари муддатларини узайтириш.</p>	<p>Ташкилий чора-тадбирлар</p>	<p>2021 йил май</p>	<p>Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги</p>
23.	<p>Марказ томонидан амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа ва</p>	<p>Таклиф тайёрлаш</p>	<p>2021 йил май</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги, Марказий банк</p>

	<p>сублойиҳалар бўйича тижорат банкларида алоҳида талаб қилиб олгунгача депозит (иккиламчи) ҳисобрақамлари очиш, ушбу ҳисобрақамлар орқали ойлик иш ҳақи, солиқ, корпоратив пластик карталарга маблағ ўтказиш, шунингдек, лойиҳа доирасидаги бошқа харажатларни амалга ошириш ваколатини бериш, ҳисобрақамлардан Марказнинг бошқа лойиҳалардаги қарздорлиги ва мажбуриятларни бажариш учун тўловлар амалга оширилишига йўл қўймаслик мақсадида қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш.</p>			
VI. Сув хўжалиги соҳасида таълим ва илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш				
24.	<p>Илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнлари ҳамда олинган натижаларни амалиётга жорий этиш тизимини такомиллаштириш, соҳага илғор технологияларни трансфер қилиш ҳамда инновацион ишланмаларни амалиётга жорий қилишни жадаллаштириш.</p>	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил июнь	Сув хўжалиги вазирлиги, ИСМИТИ*, ТИҚХММИ**
25.	<p>Ирригация ва мелиорация объектларини лойиҳалаштириш ишларига ёш олим ва тадқиқотчиларни кенг жалб этиш.</p>	Ташкилий чора-тадбирлар	Ҳар йили жадвал бўйича	Сув хўжалиги вазирлиги, ИСМИТИ*, ТИҚХММИМТУ**
26.	<p>Сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги</p>	Маҳаллий давлат ҳокимияти	2021 йил 10 май	Қорақалпоғистон Республикаси

	коллежларда амалий машғулотлар ва тажриба-синов ишларини олиб бориш мақсадида тажриба хўжалиги учун 5 гектардан ер майдонларини ажратиш.	органларининг қарорлари		Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Сув хўжалиги вазирлиги
27.	Сув хўжалиги соҳасида «Гидротехника ва мелиорация курилиши», «Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси» ҳамда «Мелиорация ва суғорма деҳқончилик» ихтисосликлари бўйича илмий даражага эга ходимлар тайёрлаш тизимини яратиш.	Олий аттестация комиссияси қарори	2021 йил 20 май	Олий аттестация комиссияси, Сув хўжалиги вазирлиги, ИСМИТИ*, ТИҚХММИ**
28.	Сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги коллежларнинг моддий-техник базаси ва ўқув лаборатория хоналарини замон талаблари асосида жиҳозлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йил 10 июнь	Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
VII. Кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш				
29.	Сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги коллежлар ҳузурида ташкил этилган минтақавий малака ошириш марказларида сув хўжалиги соҳасидаги ходимларнинг малакасини оширишни тизимли ташкил қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Ҳар йили жадвал бўйича	Сув хўжалиги вазирлиги, ТИҚХММИМТУ**, коллежлар
30.	«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида шартнома асосида раҳбар-ходимлар	Ташкилий чора-тадбирлар	Ҳар йили жадвал бўйича	ТИҚХММИМТУ**, Сув хўжалиги вазирлиги

	малакасини ошириш ҳамда минтақавий малака ошириш марказлари учун тренерлар тайёрлаш.			
31.	Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ходимлари учун 120 квартирали кўп қаватли турар жой мажмуини қуриш мақсадида Тошкент шаҳри ҳудудидан ер майдони ажратиш.	Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарори	2021 йил 20 май	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Сув хўжалиги вазирлиги
32.	Сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ) раҳбар-ходимлари учун сув ва сув ресурсларини режалаштириш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек, СИУни бошқариш ва унинг фаолиятини ташкил этиш (бухгалтерия ҳисобини юритиш, иш юритиш ва бошқалар) бўйича қисқа муддатли сайёр ўқув курсларини ташкил қилиш.	Ташкилий чоратадбирлар	2021 йил 1 октябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Сув хўжалиги вазирлиги
33.	Сувдан самарали фойдаланиш, сув истеъмоли маданиятини шакллантиришга қаратилган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинар-тренинглар ташкил этиш.	Ташкилий чоратадбирлар	2021-2022 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
34.	Сув хўжалиги соҳасида сувдан фойдаланувчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, сувдан оқилona фойдаланиш, сув истеъмоли маданиятини шакллантириш ва соҳада инновацион технологияларни қўллашга қаратилган	Ташкилий чоратадбирлар	2021-2022 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари

материаллар ва роликларни Интернет тармоғида кенг ёритиш ҳамда «Tomchi» мобил иловасига тизимли жойлаштириб боришни ташкил этиш.			
--	--	--	--

* ИСМИТИ — Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

** ТИҚХММИМТУ — «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ-5055-сон қарорига
14-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4486-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1 ва 4-бандлар, 5-банднинг «а» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 3-бандда:

иккинчи-учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 7-илованинг 3 — 10-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ-5055-сон қарорига
15-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлар

РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3672-сон қарори 1-банди, 9-банди **иккинчи хатбошиси** ҳамда қарорнинг 1, 2, 3, 4, 5 — 5д, 6 ва 6а-иловалари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4039-сон қарори.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.04.2021 й., 07/21/5055/0309-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2022 й., 07/22/144/0176-сон, 08.07.2022 й., 06/22/167/0619-сон, 31.08.2022 й., 06/22/214/0791-сон, 10.09.2022 й., 06/22/220/0812-сон; 21.06.2023 й., 06/23/101/0412-сон)